КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 210 (8200).

6 ноябрь Якшанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин

Инсоният тарихида янги давр — социализм ва коммунизм тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари учун социалистик мусобақа илғорларига 1983 йилги СССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ҳамда Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Советининг таклифларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Ўн биринчи беш йиллик планларини тўла ва ошириб бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришни таъминлаш, хом ашё, энергетика ресурслари ва бошқа ресурсларни тежаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширишда энг яхши натижаларга эришган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлардан катта бир группаси ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фан ва техника, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида СССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларни маъқуллади. Мамлакатимиз иқтисодий ва техникавий потенциалини мустаҳкамлашга, фан ва маданиятни ривожлантиришга, кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшаётган энг муҳим ютуқлар мукофотлар билан тақдирланади.

Давлат мукофотларини бериш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорлари матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида А. А. Громыконинг Англия парламенти аъзоси, Буюк Британиянинг собиқ бош министри Ж. Каллагэн билан бўлиб ўтган суҳбати тўғрисидаги ахбороти тинглланди.

Мажлисда мамлакатнинг давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётига, Совет Иттифоқининг социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида пахта териш ва тайёрлашни кучайтириш вазифаларини муҳокама қилди. Республика область, шаҳар, район партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга, агросаноат бирлашмаларига пахта териш ва тайёрлаш суръатларини жадаллаштириш, уни сақлашни яхшилаш ва қайта ишлаш сифатини ошириш юзасидан барча резервларни ҳеч кечиктирмай ишга солиш, терим техникасидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, қуритиш-тозалаш цехларининг кеча-ю кундуз ишлашини ташкил этиш, пахта етиштириш ва тайёрлаш соҳасида республика давлат плани билан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун барча мавжуд куч ва имкониятларни сафарбар қилиш топширилди.

Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришини таъминлаш чоралари кўриб чиқилди. Капитал қурилишга, ишлаб чиқариш ва соцнал-маиший объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

«Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини бажариш учун Темир йўллар министрлиги аппарати коммунистларининг ташаббускорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан министрлик партия комитетининг иши тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор асосида республика министрликлари ва идоралари партия комитетларининг иши кўриб чиқилди. Министрликлар ва идораларнинг партия комитетларига улар ишидаги мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди ҳамда партиянинг йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасидаги ташкилотчилик, сиёсий ва идеологик иш савиясини ошириш, коммунистларнинг эътиборини тармоқни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига қаратиш таклиф этилди.

Янги ташкил этилган қўриқ Олтинсой, Бўзатов, Ғазли, Зарбдор, Меҳнатобод ва Толлимаржон районларида қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш юзасидан илгари қабул қилинган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди. Республиканинг тегишли область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, министрликлари ва идоралари ана шу районларда капитал қурилишни ҳамда ишлаб чиқариш ва социал-маиший объектларни фойдаланишга топширишни жадаллаштиришга, ижрони контроллик қилишни кучайтиришга доир конкрет топшириқларни олдилар.

Бюро республика партия-хўжалик активининг «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги резолюциясини тасдиқлади ҳамда ижро этиш учун тегишли партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга юборди. Ана шу партия-хўжалик активининг қатнашчилари билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилиб, бажариш учун қабул қилинди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқиб, шу масалалар юзасидан зарур қарорлар қабул қилди.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Халқимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқда. Совет кишилари КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг режаларини амалга ошира бориб, партия ўртага қўйган вазифаларни энг кўп самарадорлик билан ҳал этишга, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

Совет кишилари КПСС билан Совет давлатининг тинчликни мустаҳкамлашга, империализмнинг реакцион кучлари авж олдириб юборган қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар ва батамом маъқулламоқдалар. Ўртоқ Ю. В. Андропов олға сурган янги тинчлик ташаббусларига бутун планетада кенг қўламда ижобий баҳо берилди. СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсати — биз ҳамиша содиқ бўлиб келаётган ленинча йўлдир.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнаткашларининг вакиллари 5 ноябрь куни байрамона кайфият ва баланд руҳ билан Москвада, Кремлнинг Съездлар саройига йиғилдилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети билан КПСС шаҳар комитетининг Улуғ Октябрнинг 66 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари **Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. И. Воротников, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни ўринларидан туриб давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди ҳам президиумдан жой олади.

Залда чет эллик меҳмонлар, ажнабий дипломатлар бор.


Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промыслов очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. В. Романовни самимий кутиб олдилар. У «Октябрь ғоялари ва ишларининг буюк ҳаётий кучи» мавзуида доклад қилди.

Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Зал гумбазлари остида СССР Давлат гимни янграйди.

Шундан кейин байрам концерти қўйиб берилди. Зўр муваффақият билан ўтган концертда Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).



Владимир Ильич ЛЕНИН.

ИЛЬИЧ ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги арафасида Тошкентнинг В. И. Ленин майдонидаги Ильич ҳайкали пойига қўйилган гуллар Октябрь ишига, Коммунистик партияга чексиз садоқат, Ленин музаффар байроғини баланд кўтариб боришга шайлик рамзи бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи, Ҳарбий Кенгаши, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари номидан, меҳнаткашлар коллективлари номидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш тантанали маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ ВА ИШЛАРИНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига бағишлаб 1983 йил 5 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда

ўртоқ Г. В. РОМАНОВ доклади

Ўртоқлар!

Инсоният тарихида биринчи ғолибона пролетар революцияси қилинган унутилмас кунлардан бери орадан олтмиш олти йил ўтди. Бу революция Россияда содир бўлган эсада, барча қитъалардаги кўп миллионлаб меҳнаткашлар оммасини ҳаракатга келтирди, уларга эксплуататорлар билан курашишнинг ғоят қимматли тажрибасини бахш этди, туб социал проблемаларни ҳал этишнинг жаҳондаги намунаси бўлиб қолди. Бу революция янги, социалистик цивилизацияга пойдевор қўйди. «Аврора»дан отилган ўқ, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «Тарихдаги энг улуғ, энг қийин ўтиш» — капитализмдан социализмга ўтиш бошланганидан дарак берди. Энди бу жараённи тўхтатишга ҳеч ким қодир эмас!

Октябрнинг ғалабаси халқаро муносабатларнинг бутун системасини тубдан ўзгартириб, империализмнинг позицияларини анча путурдан кетказди, империализм жаҳон майдонида бемалол ҳукмронлик қилиш имкониятидан абадий маҳрум бўлди. Октябрь империализм келтирадиган энг даҳшатли иллатга қарши — урушга қарши, милитаризмга ва сиёсий реакцияга қарши оммавий курашни авж олдиришга асос солди. Ҳозир айни реал социализм, коммунистик ҳаракат ҳар бир кишининг энг қимматли мулки — яшаш ҳуқуқини ўз ҳимоясига олмоқда.

Октябрь революцияси дунёни энг чуқур социал янгилаш манбаи бўлиб қолди, унинг миқёси муттасил кенгайиб бормоқда. Бунинг маъноси шуки, ўртоқлар, революциямиздаги жамики бутун муҳим нарсалар, жамики асосий нарсалар ҳозирги кунга ва келажакка мансубдир. Улуғ Октябрнинг ғоялари, сабоқлари, ғалабалари ўзининг жаҳоншумул тарихий актуаллигини сақлаб қолмоқда. Улар революцион тафаккур хазинаси бўлиб социализм учун, тинчлик учун, меҳнат аҳлининг фаровонлиги ва бахт-саодати учун барча курашчиларга революцион ҳаракатнинг қудратли омилидир.

Биз тўғри, ленинча йўлдан бораётганлигимизни биламиз. Аммо биз кашшофларнинг йўли қийинлигини, янги турмуш изланишсиз ва курашсиз қарор топмаслигини ҳам ўз тажрибамиздан, дўстларимизнинг тажрибасидан яхши биламиз. Бу гапнинг ҳозир тўғрилиги шубҳасиз, аммо 1917 йилда шу турмушни қура бошлаган революционерларнинг авлодларига нисбатан бу гап юз карра тўғридир. Улар нақадар катта қийинчиликларга дуч келмасинлар, бу қийинчиликлар уларда умидсизлик, шубҳа, иккиланиш кайфиятини туғдирмади. Бу қийинчиликлар буюк бунёдкорлик куч-ғайратини, туғдирди, Ленин ибораси билан айтганда, «ҳамма кучларимизни янги ижодий ишга солиш учун бу кучларни пўлатдек мустаҳкам қилиб» тўплади. Зеро коммунистлар доимо Октябрь ишига муносиб бўлиш учун большевиклар партияси, ишчилар синфи ва уларнинг раҳнамолигидаги омма кўп кишиларга илож-сиздек, рўёбга чиқариб бўлмайдигандек туюлган ишларни қила олишларига имкон берган фазилатларни ўзларида сабот билан ҳосил қилишлари керак.

Ўзининг ғоявий ҳақконийлигига ишонч ва халққа садоқат билан хизмат қилиш, фидокорлик ва ўртага қўйилган мақсад сари ҳар қандай, ҳатто энг қийин синовларга ҳам бардош бериб муттасил олға бориш қобилияти коммунистларнинг сафларини метиндек жипслаштирмоқда. Зотан, партиянинг сиёсати конкрет вазиятни қатъий илмий маркса-ленинча таҳлил этишга, жуда хилма-хил вазифалар орасидан энг муҳим, бош вазифаларни ажратиб ола билишга, ўз ҳаракатлари ва хоҳиш-иродаларини шу вазифаларга жамлашга асосланганлиги туфайли унинг кучи беқиёс ортаверади.

Айни мана шундай ёндашув Лениннинг социализм қуриш гениал планига сингдириб юборилган эди. Бундай ёндашув бизнинг мамлакатимизда ривожланган социализмни барпо этишга замин яратди. Шу кунларда ҳам КПСС мана шундай ёндашувга амал қилиб, совет жамиятининг бундан буёнги тараққиёти бош йўналишларини белгилаб бермоқда.

Советлар мамлакати коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг улуғ Ленин васиятларига содиқлиги, партиянинг мамлакат ичида ва халқаро майдонда тутган ҳар томонлама вазмин, принципиал йўли, КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Бош секретари Юрий Владимирович Андропов бошчилигидаги Сиёсий бюросининг тинимсиз фаолияти — бизнинг Октябрь революциясини қуришдан кўзланган улуғ мақсадларни рўёбга чиқаришда янги муваффақиятларга эришувимизнинг ишончли гаровидир!

I. Октябрь йўлидан, социалистик бунёдкорлик йўлидан

Ўртоқлар! КПССнинг тарихий тажрибаси, социалистик бунёдкорликнинг бутун практикаси — шундай бир чўққидирки, ундан биз ҳал этиладиган вазифаларнинг миқёси ва характерини, жамиятимиз ривожининг истиқболларини яхшироқ кўрамиз, ҳозирги босқичдаги сиёсат билан экономиканинг ўзаро боғлиқлигини тўлиқроқ англаб оламиз. Ленин ишчилар синфининг ҳокимиятни қўлга олиш ва янги ижтимоий тузумни қарор топдириш учун курашида сиёсий омилга жуда катта аҳамият берар эди.

Шу билан бирга Ленин Октябрь ғалабасидан кейин, биз коммунизм иқтисодий жиҳатдан асосланганидагина уни қадрлаймиз, деб неча бор таъкидлади.

Меҳнаткашларнинг революция туфайли вужудга келган эркин социал ижодкорлиги ишлаб чиқаришни энг илғор усулда ташкил этиш билан қўшилган тақдирда, фан ва техниканинг энг янги ютуқларига таянган тақдирда, энг юксак меҳнат унумдорлигига йўл очган тақдирда янги тузум узил-кесил ғалаба қозонишини Ленин, большевиклар яхши тушунар эдилар.

Бунга эришиш осон бўлмади. Ўтмишдан сарқит бўлиб қолган техникавий-иқтисодий қолоқлик халқит берди. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, социализмни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш учун зарур бўлган кўпгина ишлаб чиқариш ва ташкилий-техникавий шарт-шароитларни аслида янгидан вужудга келтириш лозим эди.

Мана шу вазифа ҳал этилди. У партия билан халқнинг куч-ғайрати, хоҳиш-иродаси, қаҳрамонона меҳнати туфайли мислсиз қисқа муддатларда ҳал этилди. Биз индустрлаш ва коллектив лаштиришни, миллий чекка ўлкаларни юксалтириш ва маданий революцияни амалга ошириб янги жамият қарор топа оладиган, капитализмдан ўзининг тарихий афзалликларини намоён эта оладиган моддий-техникавий, социал ва маънавий негизни вужудга келтирдик. Партиянинг новаторлик стратегияси совет давлатчилиги ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкилиги, марказлаштирилган бошқарувни жойлардаги кенг ташаббускорлик билан бирга қўшиш сингари қудратли омиллардан фойдаланишга таянар эди. Бу стратегия ишчилар синфининг сиёсий етуклигига, унинг меҳнаткаш деҳқонлар ва илғор зиёлилар билан иттифоқига, мамлакатдаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг ижодкорлигини қудратли равишда юксалтиришга таянар эди. Социалистик қурилишнинг мана шу саналган воситалари ҳозир ҳам бизга яхши хизмат қилмоқда.

Бизнинг ижтимоий тузумимиз, Совет давлатининг иқтисодий пойдевори Улуғ Ватан урушни йилларида қаттиқ синовдан ўтиб, ўзининг мустаҳкамлигини кўрсатди. Бутун инсониятни асоратга солиш хавфини туғдирган кучли ва маккор душманга қарши курашнинг натижаси жанг майдонларида ҳал қилинди, жангу жадалларда шавкатли қизил армиячилар жангчилари мангу шон-шуҳрат қозондилар. Мамлакат ичкарисидаги меҳнатчилар ҳам бу ғалабага бебаҳо ҳисса қўшдилар. Бизнинг экономикамиз ўзининг ҳаётий қобилиятнигина кўрсатиб қолмай, шу билан бирга ҳақиқатда бутун Европанинг меҳнатига таянган Германия фашизмининг баҳайбат ҳарбий-саноат машинаси билан яккама-якка олишувларда ўзининг очиқ-ойдин устунлигини ҳам исботлади.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлидирки, урушдан кейинги йилларда, АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари «совуқ уруш» ва қуролланиш пойгасини авж олдириб юборган бир пайтда мамлакат халқ хўжалиги, фан ва техникаси яна ўзининг ҳал қилувчи сўзини айтди, империализмнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш тўғрисидаги тел-баларча ниятларини пучга чи-

(Давоми иккинчи бетда).

Тошкентда тўхталди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев бошчилигида Вьетнам Социалистик Республикасига қилинган расмий дўстона визитдан кейин қайтиб келаётган Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси 4 ноябрь куни Тошкентда тўхтади. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Терешкова бор.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали Ю. П. Максимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Раиси Н. М. Маҳмудова, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Г. А. Алиев ва делегациянинг бошқа аъзолари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Ш. Р. Рашидов қабрига гуллар қўйдилар, марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ ВА ИШЛАРИНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

(Боши биринчи бетда).

қарди. Ҳозир ҳам, энг реакцион империалист доиралар ҳарбий устунликка эришишга, Совет Иттифоқини иқтисодий жиҳатдан заифлаштиришга интилаётган бир пайтда, бу уринишлар мағлубиятга маҳкум эканини биз жуда яхши биламиз!

Ўртоқлар, бизнинг экономикамиз жуда илгарилаб кетди. Ҳозирги вақтда миллий даромад ўсишининг бир проценти салкам 5 миллиард сўмни ташкил этади, урушдан кейинги 1950 йилда эса 500 миллион сўмни ташкил қилар эди, яъни ўсиш 1 процентининг реал салмоғи қарийб 10 баравар ортди. 1970 йилдан 1982 йилгача ўтган даврнинг ўзида асосий ишлаб чиқариш фондлари 2,5 баравар, 1960 йилдан кейинги давр ичида эса қарийб 6 баравар кўпайди.

Шу билан бирга мамлакатда рўй берган жуда чуқур ўзгаришларни фақат статистика тили билан, фақат миқдор кўрсаткичлари билан ифодалаш қийин, чунки бу ўзгаришларнинг ҳақиқий меъёри меҳнаткашлар турмушининг капитализм даврида имкони бўлмайдиган принципиал янги сифати билан белгиланади. Энди совет кишилари ўз турмушини гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқисиз ва ҳамма соҳаларни ўз ичига олган социал таъминот системасисиз, текин умумий таълим ва медицина хизматисиз, оналик ва болалик ҳақида чинакам умумхалқ ғамхўрлигисиз тасаввур қила олмайдилар. Коллективчилик ва ўртоқлик, халқларнинг қардошларча дўстлиги, маънавий поклик ва эртанги кунга комил ишонч — бизнинг жамиятимизда ҳукмронлик қилаётган муҳитнинг ажралмас хусусиятларидир.

Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар шак-шубҳасиздир. Бироқ партия Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси бу муваффақиятларга муносиб баҳо бериш билан бирга, қилинган ишни баҳолашга ленинча талабчанлик билан ёндашмоқдалар. Партия янги тузум социал-иқтисодий етуклигининг ҳозирги даражасини қатъий илмий таърифлашга асосланиб, шу пайтгача эришилган натижаларни камситишга ҳам, мамлакатнинг коммунизм олий фазасига яқинлашиш даражасини тушунишдаги муболағаларга ҳам йўл қўймайди. Юрий Владимирович Андропов «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» номли асарида бундай деб таъкидлайди: «Биз қайси маррада турганимизни аҳлирасолик билан тасаввур этишимиз керак. Шошқолоқлик билан олдинга кетиб қолиш-амалга ошириб бўлмайдиган вазифаларни ўртага қўйиш демакдир; эришилган маррада тўхтаб қолиш — ўз ихтиёримиздаги ҳамма нарсалардан фойдаланмаслик демакдир. Жамиятимизни реал динамикада, унинг ҳамма имкониятлари ва эҳтиёжлари билан бирга кўриш — ҳозир талаб қилинаётган нарса мана шундан иборат».

Партия КПСС XXVI съезди йўлини амалга ошириб, орттирилган тажрибани умумлаштириб, стратегия ва тактикани турмушга мослаб, ўзининг назарий хазинасини ижодий равишда бойитмоқда, сиёсий йўлга аниқлик киритмоқда, программа мақсадларни рўёбга чиқариш йўллари ва муддатларини конкретлаштирмоқда. Шу жиҳатдан олганда, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумлардаги нутқлари принципиал муҳим роль ўйнайди. Бу ҳужжатларда ривожланган социализмнинг тарихан узоқ давом этадиган босқичида партия билан халқнинг яқин вақт ичидаги ва истиқболдаги вазифалари далил-исботлар билан чуқур таърифлаб берилган, мамлакатимиз ҳозир шу босқичнинг илк даврида турибди. Шу хилма-хил вазифаларни бирлаштирувчи, уларнинг энг асосий мазмунини белгиловчи муштараклик ҳақида гапирадиган бўлсак, бу нарса ривожланган социалистик жамиятни планли равишда, ҳар томонлама такомиллаштириш вазифасидир, шу вазифа амалга оширилган тақдирдагина коммунизмга тадрижий равишда ўтиш содир бўлиши мумкин. Бу ленинча йўлни бутун халқ қўллаб-қувватламоқда. Бу йўл партиянинг революциямиз ғояларига ва ишига муттасил содиқлигидан далолат беради!

Октябрнинг олтмиш олтинчи йили бутун ижтимоий-сиёсий турмушнинг юксалиши билан нишонланди. Бу йилда партия, совет ва хўжалик органларининг иши яхшиланди, кадрларнинг масъулияти ошди, уюшқоқлик, план ва меҳнат интизоми бирмунча юқори поғонага кўтарилди, сўз билан ишнинг бирлиги янада мустаҳкамланди. Булар ҳозирнинг ўзидаёқ турмушнинг турли соҳаларида ва албатта, халқ хўжалигини ривожлантиришда ўз натижаларини бермоқда.

Бу йил беш йилликнинг дастлабки икки йилидаги ўртача йиллик кўрсаткичларга нисбатан ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ошди. Оғир индустриянинг баъзавий тармоқлари олға силжиди. Қора ва рангли металлургия маҳсулоти, айниқса бу маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш кўпайди. Табиий газ, нефть қазиб олиш, химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортиб бормоқда. Фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар барқарор ривожланмоқда. Партиянинг «Б» группа маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстиришнинг илдам суръатларини таъминлаш борасидаги жуда муҳим йўл-йўриғи сабот билан рўёбга чиқарилмоқда. Транспортдаги ишларнинг аҳволи яхшилана бошлади. Битмай қолган қурилиш ҳажми қисқармоқда.

Мамлакатимиз машинасозлиги структурасида тобора равшанроқ сезилаётган прогрессив ўзгаришлар халқ хўжалигини замонавий машина ва механизмлар билан, прибор ва аппаратлар билан тобора кенг миқёсда таъминлаш имконини бермоқда. Шу йилнинг ўзида серунум асбоб-ускуналарнинг уч ярим мингга яқин янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Атом энергетикасининг ишла чиқариш базаси дадил мустаҳкамламоқда, партия белгилаб берган энергетика программасини амалга оширишда атом энергетикаси алоҳида ўрин олади.

Байкал-Амур магистрали қурилиши экономикамизнинг юксалиб бораётган техникавий даражасини яққол кўрсатиб турибди. Уренгой — Помари — Ужгород ноёб газ қувури шу пайтгача жаҳон практикасида мисли кўрилмаган муддатларда ва суръатларда барпо этилганлиги шуни тасдиқлаб турибди. Ватан мана шу ва бошқа кўпгина ажойиб ишлар қатнашчиларининг меҳнат жасоратини, ватанпарварлиги ва касб-кор маҳоратини юксак қадрлайди.

Мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш умумпартиявий, умумхалқ иши бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалигининг ва аграр-саноат комплекси бошқа бўғинларининг моддий-техникавий базасини янада ривожлантириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Улар ўртасида ўзаро талабчанликни оширишга асосланган амалий муносабатлар такомиллаштирилмоқда. Совхоз ва колхозларнинг экономикаси мустаҳкамланмоқда. Қишлоқнинг социал қиёфасини ўзгартириш соҳасида кўп иш қилинмоқда.

Шуни уқтириб ўтиш керакки, бу йил ўтган йилга нисбатан кўпроқ миқдорда дон, картошка, қанд лавлаги, сабзавот ва мева етиштирилди ҳамда тайёрланди. Чорвачиликни ривожлантиришда дуруст силжишлар бор. Унинг ем-хашак базаси мустаҳкамланди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда сезила бошлаган ижобий тенденциялар очиқ-равшан кўриниб турибди. Бироқ бир қанча кўрсаткичлар соҳасида беш йиллик топшириқларидан орқада қолинишига йўл қўйилаётганини, айрим вазифалар бажарилмаётганини айтмай ўтиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам ижобий натижаларни мустаҳкамлаш билан бирга олға томон ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган нуқсонларни қатъият билан бартараф этиш муҳимдир. Яқин орадаги мақсад равшан, у ҳам бўлса шу дамгача вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциаллардан янада оқилона фойдаланишни таъминлашдан, план топшириқларини бажаришда хомашё, материал, электр энергия, меҳнат ресурсларини камроқ сарфлашни ўрганиб олишдан иборат. Бизда «танг» жойлар деб аталган камчиликлар ва номувофиқлик элементларини бартараф қилиш, мол етказиб бериш интизомини бузиш ҳолларини тугатиш учун, ҳар бир коллективда янада унумли, янада сифатли меҳнат қилишни одат тусига киритиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Хуллас, юксак масъулият сезиб, тўла самарадорлик билан ишлаш керак.

Ҳамма жойда шунга эришиш — жуда катта хўжалик аҳамиятигагина эмас, шу билан бирга сиёсий аҳамиятга молик масалани ҳал этиш демакдир, чунки экономикадаги ютуқлар нақадар салмоқли бўлса, социал вазифаларни ҳал қилиш учун шу қадар кенг имконият яратилади. Социал мезонлар эса партия ўзининг иқтисодий сиёсатида амал қилаётган бош мезондир. Тузумимизнинг инсонпарварлиги мана шунда намоён бўлади. Инсон унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш тузумимиз учун олий мақсад бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Совет кишиларининг фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганлигининг боиси ҳам мана шундадир. Аҳолининг реал даромадлари йил сайин ошиб бормоқда. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар доимо кўпаймоқда. Уй-жой қурилиши юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. Маълумки, бу соҳада эҳтиёж ҳали жуда катта. Талаб ҳам ортиб бормоқда: чунки кишиларга шунчаки уй-жойларнинг «квадрат метрлари» эмас, балки барча қулайликларга эга бўлган замонавий квартиралар керак. Ўз-ўзидан маълумки, бундай қурилиш қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлиб, давлат ҳам шу йўлдан бормоқда.

Марказий Комитет меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқишни зарур деб топди. Бунда ғоят катта резервлар бор. Ана шу резервларни жамиятга хизмат қилдириш учун эса харидоргир буюмлар ишлаб чиқаришни тезроқ замонавий техника ва технология асосига ўтказиш, уларнинг сифатини кескин оширишга эришиш, ҳар бир республика, ўлка, областнинг конкрет шароитларидан яхшироқ фойдаланиш керак бўлади.

Бу масалада шуни эсда тутиш керакки, ҳар бир меҳнатчи ўз иш жойида бутун мамлакат манфаатлари тўғрисида жон куйдирган тақдирдагина аҳолининг талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга эришиш мумкин. Имкониятларимизнинг реал мезони ҳам бор — меҳнат унумдорлиги, ихтиёримиздаги барча мавжуд ресурсларни ўзлаштириш самарадорлиги шундай мезондир.

Соғлом экономика учун иш ҳақининг ўсишига нисбатан меҳнат унумдорлигини илдам суръатлар билан оширишни сўзсиз таъминлаш, аҳолининг пул даромадлари билан ишлаб чиқарилаётган истеъмол буюмлари ва хизмат ҳажми ўртасида қатъий мутаносибликни сақлаб туриш талаб этилиши ҳаммага маълум. Тақсимот муносабатларини такомиллаштиришга ҳам кўп нарса боғлиқ. Партиянинг шу соҳадаги йўлини изчиллик билан амалга ошириш бир томондан жамиятдан ҳеч нарсани қолдирмай олган ҳолда қўл учида ишлашни истайдиган кимсаларга маънавий ва моддий таъсир ўтказиши, иккинчи томондан эса ҳалол, виждонан қилинган меҳнатнинг обрў-эътиборини яна ҳам юқори кўтариши лозим. Бундай йўл меҳнаткашларнинггина манфаатини кўзлайди, бинобарин бу йўлни улар астойдил маъқулламоқдалар.

Меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш — булар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш суръатларини, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ва халқаро позицияларини мустаҳкамлашни белгилаб берадиган асосий омиллардир. Бугунги кунда Октябрь ишини муваффақиятли равишда давом эттириш учун курашнинг энг муҳим йўналиши шу ердан бошланади.

Шу масалаларни ҳал этишда совет фани биринчи даражали роль ўйнайди. Биз унинг эришган ғоят буюк муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Илмий ходимлар билимларнинг фундаментал соҳаларида ҳам, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ проблемалар соҳасида ҳам қизғин, ижодий меҳнат қилмоқдалар. Олимларимизнинг квант электроникаси ва молекуляр биология, химия ва ер тўғрисидаги фанлар, элементар зарралар ва атом ядроси физикаси, математика ва медицина соҳасида, микроскопик оламдан космосгача кенг кўламдаги проблемаларни тадқиқ этиш соҳасида эришган ютуқлари жаҳонда эътироф этилди.

Эришилган ютуқларни кўпайтира бориб барча йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигини техника билан тубдан қайта қуроллантириш мақсадида илмий потенциалдан тобора кенгроқ фойдаланишга эришиш муҳимдир. Гап совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучларида чуқур сифат ўзгаришларига олиб келиши лозим бўлган фан ва техника ютуқларини, ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш системасини кенг кўламда жорий этиш тўғрисида бормоқда. Эпчил технологиялардан, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ва «ишлаб берувчи марказлар»дан, микропроцессорлар ва роботлардан кенг фойдаланиш назарда тутилмоқда. Хисоблаш техникаси воситалари негизида мураккаб системаларни ва лойиҳа конструкторлик ишларини бошқаришни автоматлаштириш кўзда тутилмоқда. Ресурсларни тежайдиган, чиқитсиз илғор жараёнларни жорий этиш, хоссалари олдиндан белгилаб қўйилган янги материаллар олиш ҳамда улардан фойдаланиш ва бошқа кўпгина ишлар ҳам назарда тутилмоқда.

Партия Ленин сўзлари билан айтганда, «жуда катта кўпчиликнинг турмушини яхшилашга, турмушни осонлаштиришга» хизмат қиладиган техникани яратишга жуда катта аҳамият бермоқда. Партия бундан буён ҳам инсонни оғир жисмоний, қўл меҳнатидан ва бир хилдаги зериктирадиган меҳнатдан халос этиш йўлини, тузумимизнинг инсонпарварлик табиатига мос бўлиб тушадиган иш шароитларини вужудга келтириш йўлини изчиллик билан ўтказа боради.

Партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети яқинда «Халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарори шу жуда муҳим соҳада ягона сиёсатни амалга ошириш учун янги имкониятларни очади. Техникани янгилашдан раҳбарлар ва ишчиларнинг, олимлар ва конструкторларнинг манфаатдорлигини кучайтирадиган ташкилий, иқтисодий ва маънавий воситаларнинг бир-бири билан боғлиқ яхлит системасини кўзда тутмоқда. Мўлжалланган ишнинг амалга оширилиши КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифани — экономиканинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг илғор марраларига олиб чиқиш вазифасини муваффақиятли равишда ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

Хўжалик юритишнинг бутун механизмини такомиллаштириш ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилиши керак. Ишнинг асосий йўналишларини партия белгилаб берган. Гап марказлаштирилган планлаштиришни яхшилаш, план интизомини ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, меҳнат коллективларининг ташаббускорлигини ривожлантириш тўғрисида бормоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг, бир қанча министрликлар лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий экспериментлар ишнинг пировард натижалари учун рағбатлантиришнинг ва масъулиятни оширишнинг янги формаларини топишга ёрдам беради.

Турли социал группаларнинг талаб-эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олиш, шахсий ва маҳаллий манфаатлар умумхалқ манфаатлари билан оқилона қўшиб олиб борилишига эриша билиш, улардан экономикани ўстиришнинг ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида фойдаланиш — хўжалик механизмимизни такомиллаштиришнинг ғоят муҳим вазифаларидан биридир. Шу вазифани ҳал этишда бошқарув аппарати фаолиятини яхшилашга ҳам кўп нарса боғлиқ. Маълумки, баъзи муассасаларнинг асоссиз равишда кўпайтириб юборилган штатлари шу муассасалар зиммасига юкланган функциялар бажарилишига тўсқинлик қилмоқда, масъулиятсизликни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли аппаратни ихчамлаштириш ва арзонлаштириш, уни фан-техника революцияси шароитида тўла самара билан ҳаракат қилишга қодир бўлган билимдон кадрлар билан мустаҳкамлаш, бутун бошқариш системасининг иш савиясини ошириш ҳамон актуал бўлиб қолмоқда.

Партия барча бунёдкорлик соҳаларида Октябрнинг асосий ишларидан бирини — халқ оммасини онгли социал ижодиётга жалб қилишни давом эттирмоқда. Халқ оммасининг меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлиги, ташаббускорлиги ва уюшқоқлиги — барча муваффақиятларимизнинг гаровидир. Интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда оқилона тартибни қарор топтириш учун курашда меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули, коллектив пудрат ва ўзининг яхши жиҳатларини кўрсатган бошқа кўпгина формалар вужудга келди. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун меҳнаткашларнинг, касаба союзларимизнинг фаолияти учун, социалистик мусобақанинг самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар очади.

Ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш соҳасидаги иш билан чамбарчас боғланган. Барча даражаларда: меҳнат коллективларида, маҳаллий советларда, олий ҳокимият органларида энг муҳим социал, иқтисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал этишга меҳнаткашларнинг тобора кенг қатламларини изчиллик ва сабот билан жалб этиш бу соҳадаги бош вазифадир. Партия билан давлат гражданларнинг СССР Конституциясида гарантияланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қандай тарзда бузилишига қарши қатъий курашмоқдалар, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқдалар.

Бу соҳадаги катта иш мамлакатимизда айниқса кейинги йилда авж олдириб юборилди. Қонунларимиз ва турмуш тарзимизга зид ҳаракатлар қилаётган кимсаларга нисбатан, халқ бойлигини талон-торож қилаётган кимсаларга, юлғичлар, чайқовчилар, порахўрларга нисбатан тутилаётган қатъий йўлни совет кишилари тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Бундай ҳолларга қарши кураш партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинггина бурчи бўлиб қолмай, бутун жамоатчилигимизнинг бурчи, ҳар бир онгли гражданнинг ҳам бурчидир.

Омма билан моҳирона ишлаш, уларни олға бошлаб бориш, оммани ишонтириш, унинг онгига, психологиясига таъсир ўтказиш, кишиларнинг кайфиятини сезгирлик билан билиб олиш, тўлқинлантираётган саволларига жавоб бериш — Ленин неча марталаб таъкидлаганидек, энг қийин, аммо энг муҳим ишдир. Шу вазифани ҳал этишда тўғри ташкил этилган идеология иши — расмиятчилик ва дабдабабозликдан холи бўлган, мазмунига кўра актуал, теран ва тушунарли иш жуда катта роль ўйнайди. Бугунги кунда бу иш тобора кўпроқ биринчи ўринга қўйилмоқда.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети пропаганда ва тарбия ишларини такомиллаштириш етилган проблемаларини ўзининг июнь Пленумида муҳокама қилди. Мазкур Пленум шу соҳадаги энг асосий, узоқ муддатли йўл-йўриқларни белгилаб бериб партия ҳаётида муҳим босқич бўлиб қолди, жамиятимиздаги бутун маънавий-сиёсий муҳитга тобора кучли таъсир ўтказмоқда.

Пленумнинг аҳамияти ўзининг идеология соҳаси доиралари билан асло чекланиб қолмайди. Юрий Владимирович Андроповнинг нутқида КПСС Программасининг, бизнинг бош ғоявий назарий ва сиёсий ҳужжатимизнинг янги таҳририни тайёрлаш тўғрисидаги масала марказий ўрини олди. Мана шу ҳужжатда узоқ тарихий истиқболдаги фаолиятнинг стратегик йўналишлари белгиланади. Коммунистик бунёдкорлик назарияси ва практикасининг энг муҳим проблемаларини ҳар томонлама анализ қилиш бутун идеологик, оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишини янги босқичга кўтариш, бу ишни ҳаёт воқеликлари билан, ички ва халқаро вазиятнинг хусусиятлари билан чамбарчас боғлаш имконини беради.

Миллионларнинг ақли ва қалби учун бугунги кунда планетада тўхтовсиз давом этаётган курашдаги муваффақиятларимиз кўп даражада айни мана шунга боғлиқдир. Худди шу боисдан ҳам совет кишиларини ғоявий чиниқтириш, уларни юксак синфий ҳушёрлик, Ватанни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш — бутун партия фаолиятининг ғоят муҳим соҳалари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Тарихнинг онгли ижодкори бўлган янги инсонни камол топтиришдек юксак мақсадни биз коммунистларга қадар ҳеч ким ўртага қўймаган эди. Бинобарин, биз шу мақсадга эришиш учун кишиларни маънавий камол топтириш борасидаги кўп қиррали ишни яхшилашимиз лозим. Бу гап ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг муносиб ўринбосарларини тайёрлаши лозим бўлган олий ўқув юртлари ва техникумларга, халқ маорифининг барча бўғинларига ва албатта, муҳим ислоҳот бўсағасида турган мактабимизга, ҳунар-техника таълими системасига тааллуқлидир.

Бу гап совет адабиёти ва санъатига тааллуқлидир. Аниқ ғоявий йўналиш, зўр эмоционал ва тарбиявий куч Улуғ Октябрь туфайли вужудга келган совет адабиёти ва санъатига ҳамиша хос хусусиятлар бўлиб келди. Партия бизнинг кўп миллатли маданиятимизни бойитадиган ҳамма нарсани қўллаб-қувватлайди. Партия ленинча анъаналарга амал қилиб, адабиёт ва санъат халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилиши тўғрисида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади.

Ўртоқлар! Яқинда биз ленинчи партиямизнинг 80 йиллигини тантанали равишда нишонладик. Мамлакат кўламлари жиҳатидан улуғвор, мазмуни жиҳатидан мураккаб вазифаларни ҳал этаётган ҳозирги шароитларда партиянинг совет жамияти раҳбар кучи сифатидаги роли, унинг идеологик ва ташкилотчилик фаолиятининг аҳамияти беқиёс даражада ошмоқда.

Бир вақтлар, партия энди тузилаётган пайтда Ленин бундай деган эди: «Ахир, ўзингни «Авангард» илғор отряд деб аташ кифоя қилмайди, — яна шундай ҳаракат қилиш ҳам керакки, бошқа отрядларнинг ҳаммаси олдинда бораётганлигимизни кўрсинлар ва эътироф қилишга мажбур бўлсинлар». Бугунги кунда 18 миллиондан кўпроқ кишини ўз сафларида бирлаштирган КПСС ҳам ўзининг етакчилик ролини шараф билан тасдиқламоқда. Ижтимоий ривожланишнинг барча томонларига таъсирни кучайтириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда.

Партия комитетларининг сиёсий раҳбарлиги савиясини янада ошириш, бевосита меҳнат коллективларида коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш практикасини, ижрони контрол қилиш ва текширишни яхшилаш ҳозирдаёқ тўпланган тажрибани идрок этишни ҳам, шунингдек, ишнинг янги формалари ва методларини тинимсиз қидиришни, унинг услубини такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Майда-чуйда ишларга аралашаверишга, хўжалик органлари ўрнини босиш йўлидаги уринишларга, ходимларнинг кучлари ва вақтини кераксиз мажлислар ҳамда қоғозбозликларга беҳуда сарф қилишга қатъиян барҳам бериш керак.

Ўзларингизга маълумки, мана шу масалаларнинг ҳаммаси ҳозир Марказий Комитетнинг диққат марказида турибди. Мамлакатда ўтаётган партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларининг эътибори ҳам шу масалаларга қаратилган. Коммунистлар КПСС XXVI съездининг ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш соҳасида маҳаллий партия органлари билан бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини чуқур ва ўз-ўзини танқид руҳида анализ қилмоқдалар, шу йилги ва умуман беш йиллик план топшириқлари ҳамда қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш борасидаги вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Ташаббускорлик, талабчанлик ва ишчанлик, эришилган натижаларга баҳо беришда реализм, қабул қилинаётган қарорларнинг асосли бўлиши ва шу қарорларни бажаришга кишиларни сафарбар этиш, бошланган ишни охирига етказа билиш маҳорати — бугунги кунда партия раҳбарлиги услубининг ана шундай фазилатлари ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу — биз ленинча услуб деб атаётган услубнинг ўзгинасидир. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатининг, Юрий Владимирович Андроповнинг кундалик фаолиятига хос бўлган услубдир. Бутун партия, давлат ва жамоат ҳаётида бизга фақат ва фақат шундай услуб керак!

2. Реал социализмни мустаҳкамлаш ва Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш

Ўртоқлар! 66 йил муқаддам Улуғ Октябрь ишчилар ҳаракати, бутун озодлик ҳаракати курашига бахш этган қудратли куч-ғайрат ўзининг революцион ўзгартирувчилик таъсирини ҳамон ўтказиб келмоқда. Бу таъсир кучайиб, кенгайиб бормоқда.

Ҳозир меҳнат аҳлининг ҳуқуқи ва манфаатлари учун, социал тараққиёт ва тинчлик учун курашда энг изчил куч бўлиб майдонга чиқаётган жаҳон коммунистик ҳаракатининг жонли тажрибаси шундан дарак беради. Халқларнинг озодлик кураши натижасида мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги, ўнлаб мустақил давлатлар жаҳон саҳнасига чиқиб, қўшилмаслик сиёсатини ўтказаётганлиги, империализмнинг агрессив ҳамлаларига актив қаршилик қилаётганлиги, ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлиги шундан дарак беради. Октябрдан кейин халқаро ишчилар ҳаракатининг энг улуғ ғалабаси бўлмиш жаҳон социалистик системаси позицияларининг мустаҳкамланиб бораётганлиги шундан далолат беради.

Октябрдан кейинги бутун тарих — айниқса ҳозирги вазият айни социализм халқаро муносабатлардаги соғлом негизларнинг энг матонатли ҳимоячиси, тинчликнинг энг мустаҳкам қўрғони, унинг энг ишончли посбони бўлиб келганлигини ва шундай бўлиб қолаётганлигини шак-шубҳасиз тасдиқлаб турибди. Бу, ўртоқлар, очиқ-равшан кўриниб турган фактни шунчаки қайд этиб ўтишгина эмас. Бу — КПСС билан Совет давлати, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар зиммасига тушган зўр масъулиятнинг реал мезони ҳамдир.

Ҳозир бу масъулият бениҳоя ошди. Оммавий қирғиннинг тобора нозик воситалари билан қуролланишнинг империализм инсониятга тиқиштираётган пойгаси учинчи жаҳон урушига қандай қилиб йўл қўймаслик масаласини ер юзидаги ҳаётни қандай қилиб сақлаб қолиш масаласига айлантирди. Бу масалани амалий равишда ҳал этиш йўлларини излаш Совет давлатининг барча актуал халқаро проблемаларга ёндашувини белгилаб бермоқда. Бу ёндашув КПСС XXVI съезди қабул этган ташқи сиёсат программасига асос қилиб олинган. Шу программанинг мақсадлари ва асосий йўналишлари давомийлигини КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил ноябрь ва шу йил июнь Пленумлари таъкидлади.

Зўр сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг Баёноти мана шундай ёндашув руҳи билан суғорилган. Бу ҳужжатда ҳозирги халқаро вазиятга чуқур ва принципиал баҳо берилган, давлатимиз учун бутун совет халқи учун шундан келиб чиқадиган вазифалар таърифланган, Совет Иттифоқининг тинчликка бўлган букилмас иродаси, унинг империализмнинг инсониятни ярдо ҳалокати жаҳаннамига ташлашига йўл қўймасликка қилган азму қарори яна бир бор таъкидланган.

Урушдан кейинги ўн йилликларда жаҳон майдонидаги вазият ҳали ҳеч қачон ҳозиргидек кескин бўлмаган эди, дейиш мумкин. Империализм ўз қўлидан бой бериб қўйган позицияларини қайтариб олиш умидларини тарк этмаяпти. Ҳозир бундай умидлар ҳар қачонгидан ҳам тутуруқсиз ва асоссиздир. Аммо бу умидлар жуда хатарли хавф эканлиги шубҳасиз.

Америка империализми ер куррасидаги ҳамма жойда ўтказаётган сиёсатининг агрессивлиги ҳаддан ташқари кучайиб кетганлиги фикримизнинг исботидир. АҚШнинг Ғарбий Европада ўртача олисликка учириладиган янги ядро воситаларини қандай қилиб бўлмасин жойлаштиришга интилиши бунинг яққол мисолларидан биридир. Ҳа, АҚШ қандай қилиб бўлмасин: Европа халқларининг хоҳиш-иродаси билан ҳам, ядро асрининг реалликлари билан ҳам ҳисоблашмай шундай қилишга интилмоқда.

Ўртоқлар, бу ўринда гап Ғарб шу пайтгача тўплаб олган оммавий қирғин воситаларининг жуда катта аслаҳахонасига бир неча юз замонавий ракетани шунчаки қўшиб қўйиши ҳақида бораётгани йўқ, бундай қўшиб қўйишнинг ўзи ҳам эътибор бермаса бўладиган арзимас бир нарса эмаслиги равшан. Бу ракеталар — Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг хавфсизлигига сифат жиҳатидан қилинган яна бир таҳдиддир. Бу ракеталар биринчи бўлиб ядро зарбаси уришга мўлжалланган қуролдир. Бу — аввалбошданоқ ялпи тинчликка қарши қаратилган душманлик ҳаракатидир.

Американликлар НАТОни «қўшимча қуроллантириш» режасини тузиб қўйганликлари Европада ва дунёда мавжуд бўлган ҳарбий-стратегик мувозанатни ўзгартириш, СССР ва унинг иттифоқчиларидан ҳарбий устунликка эришиш истагида бўлган кимсаларнинг ҳақиқий мақсадларини ошкор қилиб қўяди. Халқаро муносабатларни ҳарбий рақобатга айлантиришга интилаётган кимсаларнинг, икки социал система ўртасидаги тарихий баҳсни термоядро қуролидек даҳшатли «далил» ёрдамида ҳал этишга умид боғлаб янги урушга тайёргарлик кўраётган кимсаларнинг ҳақиқий мақсадлари ошкор бўлиб қолмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасида умуман империалистик ташқи сиёсатнинг инсонпарварликка зид, ғайри-ахлоқий, беҳаёлик моҳияти очиқ-равшан намоён бўлмоқда.

Тўрт йилдан бери Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасининг янги қалтис даврасига йўл қўймасликни сабот билан таклиф этмоқда. Икки йил мобайнида биз Женевадаги музокараларда кетма-кет амалий ташаббусларни кўтариб чиқиб, ё Европани ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро қуролидан умуман халос қилиш тўғрисида, ёки ядровий қаршима-қаршилик даражасини тенглик ва баббаравар хавфсизлик принциплари асосида анча камайтириш ҳақида бир битимга келишга даъват қиляпмиз. Аммо Женева музокараларида АҚШ фақат «хўжа кўрсин» учунгина қатнашаётганлиги тобора ойдинлашиб қолмоқда. Тинчлик тўғрисидаги гап-сўзлар, сафсатабозлик билан Совет Иттифоқини «эпчил эмас»ликда айблашар, ўзининг ялтироқ «ташаббуслари»ни шовқин-сурон билан кўкларга кўтариб мақташлар Америка Қўшма Штатларининг ҳақиқий агрессив ниятларини яширувчи бир парда бўлиб хизмат қилмоқда. Улар тактикасининг моҳияти мана шундан иборат.

Бунинг аксича, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига шу йилнинг 27 августида ва 27 октябрида берган жавобларида баён этилган қўшимча Совет таклифлари ҳам бизнинг музокаралардаги эпчиллигимиздан, бизнинг ўз манфаатларимизнигина эмас, шу билан бирга иккинчи томоннинг қонуний манфаатларини ҳам эътиборга олишга тайёрлигимиздан яққол далолат бериб турибди. Бироқ АҚШ бизнинг оқилона таклифларимиздан ҳамон қўл силтаб, Совет Иттифоқини бир ёқлама қуролсизлантириш тўғрисидаги ҳеч қандай соғлом ақл-идрокка тўғри келмайдиган ўша сийқа таклифни ҳар хил алфозда қайсарлик билан такрорлаб турибди.

Империалистлар бизнинг мамлакатимиз билан муносабатларда мана шундай нопок усулларни неча марталаб ишга солишга, халқаро хавфсизлик масалаларига оид жиддий музокаралар ўрнига сиёсий найрангбозлик ҳарбий тазйиқ ўтказиш билан шуғулланишга неча марталаб уриниб кўрдилар. Бу уринишлар ҳеч қачон натижа берган эмас. Бундан олтмиш йил муқаддам Ленин бошқача конкрет шароитларда бўлса ҳам аммо моҳияти жиҳатидан ўхшаш вазиятларда: «Тинчлик хусусида ҳазиллашиб бўлмайди. Бизни **ҳеч ким** алдай олмайди» деган эди. Бу сўзлар ҳозир ҳам бизнинг тинчлик тақдирига виждонан, олий даражада масъулият билан ёндашувимизни аниқ белгилаб турибди.

Агар АҚШ Ғарбий Европада янги ракеталарни жойлаштира бошласа, Совет Иттифоқи қўл қовуштириб ўтирмайди. Жавоб чоралари кўрилиши зарур ва муқаррар равишда шундай чоралар кўрилади. Қардош мамлакатлар билан келишувга мувофиқ бу соҳада биз бир қадам қўйдик. ГДР ва ЧССР территориясида оператив-тактик вазифаларни бажарувчи ракета комплексларини жойлаштириш учун тайёргарлик бошланмоқда. Бошқа чоралар ҳам кўрилади. Биз ўз хавфсизлигимизни таъминлаш, ўз иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз хавфсизлигини таъминлаш учун шундай чораларни кўрамиз.

Ғарбий Европада Американинг янги ракеталари пайдо бўлиши ҳозир Женевада ўтказилаётган Совет — Америка музокараларини давом эттиришга илож қолдирмаслиги ҳам равшан бўлиши керак. Шу билан бирга, агар АҚШ ўз ракеталарини жойлаштиришга киришмаса, бу музокаралар давом эттирилиши мумкин.

Американинг Европадаги янги ракеталари масаласи ҳозир Оқ уйда ҳукмронлик қилаётган ва бутун дунёга ҳукмронлик қилиш истагида бўлган кимсаларнинг коммунизмга қарши, демократияга қарши стратегиясида энг муҳим бўлса ҳам ҳар ҳолда атиги битта бўғиндир. Ядро қуролини ўқталиш, қуролланиш пойгасига АҚШ сарфлаётган бениҳоя катта маблағлар ва бу пойгани космосга ҳам кўчириш ниятлари, НАТО блокини модернизациялаш ва унинг таъсир доирасини кенгайтириш режалари, янги агрессив блоклар тузиш йўлидаги уринишлар, қўпорувчилик ҳаракатлари ва ошкора ҳарбий интервенциялар — Рейган маъмуриятининг ҳозирги сиёсати нималигини кўрсатувчи белгилардир. Бу сиёсат милитаристлик сиёсатидир, зўравонлик, лўттибозлик ва дўқ-пўписа, суверен давлатларнинг ишларига андишасизларча қўпол аралашиш сиёсатидир.

Яқин Шарқда Вашингтон энди Исроилнинг агрессив йўлини рағбатлантириш билангина чекланмасдан, ўзи ҳам аслида араб халқларига қарши урушда қатнашмоқда. Худди шу усулни биз Марказий Америкада ҳам кўриб турибмиз, у ерда АҚШ андишасизларча қонли услубларни ишга солиб, Никарагуанинг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлашга ва Сальвадор ватанпарварларининг озодлик курашини бўғиб ташлашга уринмоқда, унинг Гренадага қилган сурбетларча қуролли интервенцияси бутун дунёда қаҳр-ғазабга учради. «Инсон ҳуқуқлари» ҳақида баландпарвоз гаплар айтаётган Америка империализми ҳамма жойда ўз мамлакатларининг халқларига қарши ҳар қандай жиноятни қилиш учун тайёр турган ўта реакционерлар ва жаллодлардан фойдаланмоқда. АҚШ ўз иттифоқчилари ва шерикларининг ҳар қандай «ўзгача фикрини» бостириб, уларни мана шу жиноятларда итоатгўйлик билан кўр-кўрона қатнашишга мажбур қилишни кўзламоқда.

Тинчлик, адолат, озодлик ҳақида жуда кўп сафсата сотишни севадиган, амалда эса уруш, камситиш ва жабр-зулм сиёсатини ўтказаётган буржуа ҳукуматларининг мунофиқлигини бизнинг мамлакатимиз Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, актив фош қилиб келмоқда. Ҳозир империалистларнинг сўзлари билан ишлари ўртасидаги

(Давоми учинчи бетда).

ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ ВА ИШЛАРИНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

(Боши 1- ва 2-бетларда).

мана шундай тафовут айниқса равшан кўриниб турибди. Рейган эълон қилган «салб юриши» Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларгагина қарши қаратилиб қолмаган. Америка Қўшма Штатлари эски дунёнинг ҳамма кишиларини озодлик, мустақиллик ва тараққиётнинг барча кучларига қарши ягона бир мушт қилиб тўплаш йўлидаги уринишларини антикоммунизм ва антисоветизм байроғи билан ниқобламоқчи бўляпти. Жанубий Корея самолётидан фойдаланиб ҳаёсизларча қилинган иғвогарлик ва империалистлар унинг теварагида кўтарган разил шовқин-сурон Америка реакционерларининг кескинликни кучайтириш, имкони бўлган ҳамма жойда ўзининг қуролланиш пойгасини кучайтиришга қаратилган телбанамо йўлининг ҳар қандай воситалар билан қўллаб-қувватланишига эришиш учун ҳатто энг қабиҳ жиноятдан ҳам қайтмаслигини яна бир бор кўрсатди.

Жаҳон майдонидаги воқеаларнинг ривожи биздан ғоят сергаклик, сабр-матонат ва қатъиятни, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга муттасил эътибор беришни талаб қилмоқда. Коммунистик партия билан Совет давлати ҳам худди шундай иш тутмоқда. Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳеч ким куч ишлатишни ҳавас қилмаслиги учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланган, Совет Иттифоқи қардош давлатлар билан мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланавериши учун барча ишни қилмоқда. Бизнинг Ватанимизга, унинг дўстлари ва иттифоқчиларига тажовуз қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар бизни ғафлатда қолдира олмайди!

Тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, қуролланиш пойгасини тугатиш — замонамизнинг энг муҳим вазифасидир. Бу вазифани ҳал этиш қийин, аммо мумкин. Ҳозир тинчлик имкониятлари бениҳоя катта. Халқаро вазиятни соғламлаштириш муддаоси билан турли сиёсий фикр ва маслакдаги миллион-миллион кишиларнинг актив ҳаракатлари юксалиб бораётганлиги бунинг далилидир. Америка билан НАТОнинг Европада ракета ўрнатиш режалари халқларнинг кўлами ва ўткирлиги жиҳатидан мислсиз ғазабли норозилигини қўзғатмоқда. Оммавий тинчлик намойишлари ва юришлари, кейинги ойлардаги митинглар урушга қарши ҳаракатнинг жаҳон сиёсатида нақадар салмоқли омил бўлиб қолганлигини, туб халқаро проблемаларни ҳал этишда омманинг бевосита демократик иштироки воситаси бўлиб қолганлигини кўрсатди.

Шу қудратли ҳаракатларнинг асосий мақсадлари социалистик давлатларнинг мақсадларига мос келади. Уларнинг ижобий ташқи сиёсати Америка империализми ва унинг гумашталарининг агрессив режаларига қарши турган қудратли воситадир.

Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Улар ўртасидаги муносабатларнинг, принципиал, янги типдаги муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши осон иш эмаслиги тушунарли. Аммо шу иш қилинмоқда. Бу ишни мамлакатларимизнинг халқлари, уларнинг коммунистик партиялари биргаликда сабот ва изчиллик билан, сабр-тоқат билан қилмоқдалар.

Социалистик давлатлар ўртасидаги интернационал алоқаларни тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ўртоқларча ўзаро ёрдам, ҳамма соҳаларда самарали ҳамкорлик негизида такомиллаштириш — бу жараённинг моҳиятидир. Бу эса улар ўртасидаги дўстлик ва ишончни мустаҳкамлашга, империализмнинг ҳамлаларини қайтаришга ёрдам беради. Хуллас, қардош мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар — дарҳақиқат, давлатлараро муносабатларнинг принципиал янги типидир. Бу муносабатлар давом этиб келмоқда, социал тараққиёт ишига актив хизмат қилмоқда, бу муносабатларнинг келажаги порлоқ!

Сўнгги йилларда бутун социализм дунёси тўғрисидаги тасаввурларимиз бойиди. Бу йиллар социалистик давлатларнинг туб манфаатлари бир-бирига мос келган, уларнинг тузуми бир хил бўлгани ҳолда бу дунёнинг қиёфаси бир хил эмаслигини кўрсатди. Конкрет шароитларнинг турлича эканлиги, шу туфайли амалий проблемаларни ҳал этиш тажрибаси ва йўллари ҳар хиллиги фикрларда ва қарашларда тафовутлар вужудга келишига олиб бориши мумкин. Бу тафовутларни бартараф этишнинг муваффақияти эса социализм ва тинчлик ишининг тантанаси йўлида ўзаро ҳамжиҳатликка астойдил интилишга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Совет давлатининг барча социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга муттасил ёндашуви мана шундай.

Партиямиз қардош давлатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришни, бу ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Бу вазифа аввало сиёсий масалаларда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга, халқаро майдонда мамлакатларимиз позицияларининг тобора пишиқ-пухта қотишмасига айланиб бораётган йўлни иноқлик ва аҳиллик билан ўтказишга тааллуқлидир.

Шу жиҳатдан олганда, бу йил ҳам ғоят самарали йил бўлди. Қардош партиялар ва давлатлар раҳбарларининг икки томонлама ва кўп томонлама муҳим учрашувлари бўлиб ўтди. Сиёсат, экономика ва идеологиянинг энг муҳим масалалари хусусида тобора қизғин фикрлашувлар давом этмоқда. Бу эса ҳар бир мамлакатнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Варшава Шартномаси ташкилотида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг 1983 йил январида бўлиб ўтган Прага кенгаши улар барча энг муҳим халқаро проблемаларга бир хилда ёндашаётганликларини намойиш этибгина қолмай, шу билан бирга уруш хавфига қарши курашнинг реалистик платформасини ҳам таърифлаб берди. Орадан ярим йил ўтгач, Европадаги еттита социалистик мамлакат раҳбарлари Москвада тўпланиб тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, таркиб топган ҳарбий стратегик мувозанатга путур етказилишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга тайёр эканликларини ва бунга азму-қарор берганликларини яна бир бор таъкидладилар. Социализм мамлакатларининг ижобий позицияси, бошқа давлатлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишга қаратилган бизнинг биргаликдаги йўлимиз Мадриддаги учрашув ижобий якунланишини кўп жиҳатдан белгилаб берди. Куба, Монголия, Вьетнам, Лаос, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар Кариб денгизи, Марказий Америка, Осиё ва Тинч океан, Жанубий-Шарқий Осиё районларида, планетанинг ғоят хатарли бошқа районларида аҳволни нормаллаштиришга қаратилган жиддий ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар.

Ҳозирги халқаро вазиятда Совет — Хитой муносабатларини соғломлаштириш катта аҳамиятга эга бўлур эди. Ўз-ўзидан равшанки, биз бошқа мамлакатларга зарар етказмаган ҳолда бу муносабатларни соғломлаштириш тарафдоримиз.

Қардош давлатларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш жаҳон социализми ғалабаларини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришнинг тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик учун курашда унинг позицияларини мустаҳкамлашнинг ишончли негизидир. Уларнинг шу соҳадаги ҳамкорлиги қанчалик қалинроқ, уларнинг халқ хўжалиги қанчалик мустаҳкамроқ бўлса улар империалистларнинг иқтисодий бойкот ва жазо чораларига ҳам шу қадар самаралироқ қарши ҳаракат қила олишлари равшан.

Социалистик мамлакатлар экономика соҳасида ҳамкорлик қилишнинг хилма-хил тажрибасини тўпладилар. Давлатларимизнинг кўп карра ошган ишлаб чиқариш ва илмий техника потенциали яна ҳам каттароқ вазифаларни ўртага қўйиш, камроқ харажатлар билан олға тезроқ ҳаракат қилиш, иқтисодий интеграцияни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга кўмаклашадиган яхши ўйланган ва чуқур асосланган қарорларни биргаликда қидириб топиш имконини берадиган ҳозирги пайтда ана шу тажрибадан тўла-тўкис фойдаланиш айниқса муҳимдир. Социалистик ҳамдўстлик давлатларининг олий даражада ўтказиладиган иқтисодий кенгашида ана шу проблемалар диққат марказида туради.

Ўртоқлар! Ҳозирги вазият кескинлашди ва кескинлашганда ҳам тубдан кескинлашди. Шундай шароитларда кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш, қуролсизланиш йўлида ҳаракат қилиб бориш осон эмас, албатта. Аммо Совет Иттифоқи ўзининг тинчлик сиёсатидан чекиниш ниятида эмас. У уруш хавфига қарши яна ҳам изчилроқ курашаверади, жаҳон воқеаларининг ривожида туб бурилишга эришиш учун ҳаракат қилади.

Биз барча халқлар билан дўстлик ва ҳамжиҳатликка интилмоқдамиз. Биз ҳамма давлатлар билан яхши қўшниларча яшашни истаймиз. Бу гап Америка Қўшма Штатларига ҳам тааллуқлидир. Бунда ҳар иккала томон учун энг мустаҳкам ва мақбул асос битта. Ленин шу ҳақда гапириб бундай деган эди: «Америка капиталистлари бизга дахл қилмасин. Биз уларга дахл қилмаймиз». Сўнгра у яна бундай деган эди: «Нима учун бизнинг давлатимиз каби социалистик давлат капиталистик мамлакатлар билан чексиз амалий алоқа қилмасин, бундай амалий алоқа қилмаслик учун, менингча, ҳеч қандай сабаб йўқ».

СССРнинг ташқи сиёсати — ўз ҳаққонийлиги ва кучига комил ишонч сиёсатидир. Бу сиёсат совет кишиларининг мададига таянади, тинчлик идеалларини қадрлаётган барча кишиларнинг ҳаётий манфаатларини ифода этади. КПСС, бизнинг давлатимиз ўзининг ташқи сиёсий йўлини — тинчликка, унинг душманларининг агрессив муддаоларига қарши ҳаракат қилишга, озодлик ва мустақиллик учун, социал тараққиёт учун барча курашчилар билан бирдамликка қаратилган йўлни қатъият ва вазминлик билан давом эттиришга азму қарор бергандир. Бу — принципиал ленинча йўлдир. Биз бундан буён ҳам шу йўлдан олға бораверамиз.

Ўртоқлар!

Биз Октябрнинг навбатдаги санасини нишонлар эканмиз социал тараққиёт чўққилари сари дастлабки қадамларни қўйган кишиларни — партия ветеранлари, революция қатнашчиларини ва биринчи беш йилликларнинг меҳнатчиларини, Улуғ Ватан уруши фронти ва ичкари томонининг барча қаҳрамонларини алоҳида миннатдорчилик билан чин қалбдан эсга оламиз. Биз уларнинг тажрибаси ва юксак ғоявийлиги билан, уларнинг большевикларга хос ахлоқий поклиги, Ленин васиятларига, Октябрь байроғига чексиз содиқлиги билан бойитилганмиз. Бу — партиямизнинг, бутун совет халқининг бебаҳо сиёсий бойлигидир. Совет кишилари шу бойликка таяниб, уни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, инсониятнинг порлоқ келажаги учун, планетада тинчлик учун курашда ўзининг қийин тарихий бурчини бугунги кунда ҳам шараф билан адо этмоқдалар.

Коммунистик бунёдкорлик эстафетасини қабул қилиб оладиган, уни давом эттирадиган ўринбосарлар борлигини биламиз. Комсомол, бизнинг шонли ёшларимиз янги турмуш қурилишида актив иштирок этмоқдалар. Улар ўз оталари революцион ишининг муносиб ворисларидир. КПСС ёшларнинг синфий чиниқишини кучайтириш, совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини ривожлантириш учун, жамиятимизнинг ғоявий-сиёсий жипслигини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам барча зарур ишларни қилаверади. Революцион жангчилар барча авлодларининг бирлиги партия билан халқнинг бирлиги — янги-янги ғалабаларимизнинг гаровидир. Зотан партия бу бирликни кўз қорачиғидек асрайверади!

Революциямизга 66 йил тўлди. Бу йиллар бутун бир даврни — суронли, фожиали, миллионлаб кишиларнинг қаҳрамонлиги билан бурканган ва фидокорона меҳнати билан тўлиб тошган, улуғ мақсадлар билан йўғрилган даврни ўз ичига олди. Бизнинг революциямиз ҳамон навқирон ва жўшқиндир. Октябрь биз яшаб турган дунёдаги ғоят чуқур туб ўзгартишларнинг манбаи бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Замон аввалгидек ҳозир ҳам революция фойдасига ишламоқда. У коммунизм фойдасига ишламоқда!

Улуғ Октябрь ғоялари ва иши асрлар оша яшайверсин!

Дунёда ишчи ва деҳқонларнинг биринчи социалистик давлати — улуғ Ватанимизга шон-шарафлар!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — ленинчи Коммунистик партия!

(Г. В. Романов доклади давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

Советлар диёрига яна катта ва қувончли байрам — Октябрь социалистик революциясининг ғалаба байрами келди. Октябрь байроғи остида, Коммунистик партия, улуғ Ленин кўрсатган йўлдан бораётганимизга олтмиш олти йил бўлди. Босиб ўтилган ҳар бир йил, бу белгиланган марраларни эгаллашда янги бир босқич, коммунистик бунёдкорлик йилномасига яна бир ёрқин саҳифа бўлиб ёзилади.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Октябрнинг бу галги санасини иқтисодий ва социал ривожланишнинг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда барча соҳаларда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Республикада партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари ўртага қўйган, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқларида илгари сурилган вазифалар қатъият ва собитқадамлик билан ҳал этилмоқда.

5 ноябрь куни Тошкентда Улуғ Октябрнинг 66 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатиш учун курашнинг бевосита қатнашчилари бўлган партия ветеранлари ,ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари байрамона безатилган В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройига келдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Е. А. Айтмуротов. И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев президиумдан жой оладилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Улуғ Октябрнинг ғалабаси, деди докладчи мамлакатимиз халқлари тақдирида тарихий бурилиш ясади, бутун инсоният ривожининг боришини тубдан ўзгартириб юборди. Ривожланган социалистик жамият қурилганлиги — босиб ўтилган йўлнинг асосий якуни бўлди. Совет халқларининг бузилмас ленинча дўстлиги барча республикалар эришган муваффақиятларнинг мустаҳкам негизи бўлди. Буни Ўзбекистон ССР мисолида яққол кўриш мумкин.

Чор Россиясининг собиқ мустамлака чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистон экономикаси олтмиш олти йил мобайнида Европадаги ўз ривожланиши учун бир неча юз йил сарфлаган илғор давлатлар даражасига кўтарилди. Республика саноати бугунги кунда бутун чор Россиясида етиштирилганига қараганда 4,6 баравар кўп маҳсулот етказиб бермоқда. Йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди.

Баланд-парвоз сўзлар эмас, балки ишни яхши йўлга солиб юбориш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган талаб республика партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари томонидан кенг қўллаб-қувватланди, деб таъкидлади докладчи. Ҳамма жойда уюшқоқликни янада кучайтиришга, меҳнат, план, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда халқ хўжалиги меҳнатчиларининг 96 процентдан кўпроғи социалистик мусобақада қатнашмоқда. Саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан ўн ойлик план ошириб бажарилди, қарийб 220 миллион сўмлик буюм қўшимча равишда реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми 4,6 процент ўсди, бу — план кўрсаткичидан ортиқдир. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга, сифат кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қўш орденли Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари жиҳатидан, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан план топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда, фан, маданият, шаҳар хўжалигининг ривожлантиришда каттагина ютуқларга эришилди. Яқинда ўзининг 2000 йиллигини нишонлаган Тошкент бугунги кунда социалистик интернационализм ғояларининг ёрқин мужассами, халқлар қардошлиги ва дўстлигининг рамзи бўлиб қолди. Мамлакат олдидаги катта хизматлари учун шаҳар Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Республика деҳқонлари астойдил ва қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Бу йил пилла, дон, мева ва сабзавот етиштириш ҳамда давлатга сотиш соҳасида белгиланган маррадан анча ўзиб кетилди. Чорвадорлар тобора кўпроқ маҳсулот етказиб бермоқдалар. Ўзбекистон пахтакорлари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажара бориб, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга олти миллион тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан белгиланган маррага эришиш учун табиат қийинчиликларига қарамай, қатъий кураш олиб бормоқдалар. Шу кунларда республика барча шаҳарлари ва посёлкаларидан келган ишчилар, хизматчилар, студентлар, ўқувчи ёшлар пахтазорларда деҳқонлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси инсониятнинг социал адолатсизликдан, зўравонлик ва урушдан холи бўлган жамият сари йўлдаги дастлабки қадами бўлди. Ҳозирги пайтда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг 28 сентябрдаги Баёнотига, «Правда» газетаси саволларига унинг берган жавобларига бутун дунё аҳлининг эътибори жалб этилган. Жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатлар партиямиз ва ҳукуматимизнинг ядро уруши хавфининг олдини олишга, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга бўлган муддаосини чуқур ва ҳар томонлама акс эттиради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС билан Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатини астойдил маъқуллайдилар, ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети теварагида яна мустаҳкам жипслаштирадилар, Ленин ишига, улуғ Октябрь ишига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар.

(ЎзТАГ).

ТАСС баёноти

АҚШ расмий шахсларининг, шу жумладан президентнинг, давлат секретари ва мудофаа министрининг айтаётган гаплари АҚШ Ливан миллий ватанпарварлик кучларига ёпирилиб зарба бериш мақсадида шу мамлакатда кенг кўламдаги ҳарбий операцияни амалга ошириш режасини тузаётганлигидан далолат беради. Турли манбалардан олинаётган маълумотлар ҳам шундай операцияга тайёргарлик кўрилаётганлигини тасдиқламоқда.

АҚШ ҳукумати Ливан халқини ички ишларига сурбетларча аралашиш билан Ливан республикасининг суверенитети ва мустақиллигини қўпол равишда паймол этмоқда, ҳамма томондан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини, БМТ Устави ва принципларини мутлақо менсимаётганлигини намойиш қилмоқда.

Вашингтон гўё Қўшма Штатлар Ливанда «тинчлик ўрнатиш» билан шуғулланмоқда», деб риёкорлик билан даъво қилиб, Исроилнинг Ливанга қарши ўзи қўллаб-қувватлаган агрессияси ва шундан кейин у ерга Америка қўшинлари киритилиши натижасида вужудга келган кескинликдан АҚШ ҳарбий кучларини Ливанда ҳам, шунингдек, умуман Яқин Шарқда ҳам тобора кўпайтириш ва доимий сақлаб қолиш учун фойдаланмоқда.

Қўшма Штатлар Исроил билан араблар манфаатига зид асоратли битимни Ливан ҳукуматига тиқиштириб, эндиликда мамлакатнинг Исроил ва Америка қўшинлари томонидан оккупация қилиб турилишига қарши курашаётган Ливан миллий ватанпарварлик кучларидан ўч олишни истамоқда. Ливанликларнинг ва араб мамлакатларининг кўпчилиги ана шу битимни қатъиян рад этмоқдалар.

Вашингтон ўзбошимчалик билан зиммасига олган «тинчлик ўрнатувчилик роли» Ливан халқи учун ҳам, шунингдек, давлат сифатида Ливан учун ҳам чинакам фожиага айланмоқда. Бу давлат амалда парчалаб юборилди. Унинг мустақил, суверен араб мамлакати сифатида мавжудлиги шубҳа остида қолди.

АҚШнинг Ливанда қилган ва режалаштирилаётган босқинчилик ҳаракатлари — Вашингтон ҳозирги маъмурияти агрессив, милитаристик умумий йўлининг бир қисмидир. Бу маъмурият халқаро терроризмни ва қўпорувчилик ишларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Бундай сиёсат тинчликсевар, қўшилмаган кичик бир давлат — Гренадага ҳеч бир сабабсиз қилинган ҳужумда ҳам ўзининг бутун ваҳшиёна қиёфасида намоён бўлди.

АҚШнинг Гренадага қарши қилган агрессияси учун у ҳамма томонидан қораланаётганлиги ва шу муносабат билан у яккаланиб қолганлиги Вашингтонга жиддий огоҳлантириш бўлиб хизмат қилиши лозимдек эди.

Ижтимоий тузуми АҚШга ёқмаётган мамлакатларда унинг америкача тартибларни ўрнатиш йўлидаги даъволари, ўзини, ўзининг тор манфаатларини халқаро ҳуқуқдан ва умуминсоний манфаатлардан юқори қўйишга интилиши, кучни адолат ва қонунчилик мезони қилишга уриниши — буларнинг ҳаммаси бошқалар учунгина эмас, шу билан бирга Қўшма Штатларнинг ўзи учун ҳам оғир оқибатлар келтириб чиқариши муқаррар.

Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари шу ҳақда ва Вашингтонда Ливан ишларига қуролли аралашувни кенгайтириш режалари тузилаётганлиги муносабати билан АҚШ ҳукуматини ғоят жиддий огоҳлантириб қўйишни зарур деб ҳисоблайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети тақдимномасини кўриб чиқиб, қарор қилдилар:

1983 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Акбар Қосимович ОТАХЎЖАЕВ**га, **Қодир Ғофурович ҒУЛОМОВ**га, **Мирзаюсуф Мирзамаҳмудович МУСАХОНОВ**га, **Леонард СОБИРОВ**га, **Иммануил Лазаревич ФАБЕЛИНСКИЙ**га, **Гилел Мордухович ЧЕРНОВ**га, **Анвар Ортиқович ЙЎЛДОШЕВ**га, **Беҳзод Содиқович ЙЎЛДОШЕВ**га — лептон ва адронларнинг атом ядролари билан ўзаро таъсири ҳамда модда билан оптик нурланиши физикасига доир фундаментал тадқиқотларига бағишланган ишлар туркуми учун.

2. **Очилбой АБДУҚОДИРОВ**га (иш раҳбари), **Виктор Александрович АНТОНОВ**га, **Алексей Логинович АТЛАНОВ**га, **Лев Алексеевич ГРАЧЕВ**га, **Николай Иванович КАРНАУХОВ**га, **Николай Денисович ЛАПШИН**га, марҳум **Прокопий ЛИ**га, **Шомил Фатихович МИФТАХОВ**га — КУ—0,2 универсал ўрим комбайнини тадқиқ этганликлари, яратганликлари ва жорий этганликлари, каноп ишлаб чиқариш янги технологиясини ишлаб чиққанликлари учун.

3. **Турсунбой РАШИДОВ**га (иш раҳбари), **Абдураҳмон Осимович ЭШОНХЎЖАЕВ**га, **Ботиржон МАРДОНОВ**га, **Ёрмуҳаммад Нурупович МУБОРАКОВ**га, **Валентина Алексеевна ОМЕЛЬЯНЕНКО**га, **Ғойибназар Ходиевич ХОЖИМЕТОВ**га — ер ости иншоотлари сейсмодинамик назариясини яратиш ва жорий этиш борасидаги ишлари туркуми учун.

4. **Ўктам Орипович ОРИПОВ**га (иш раҳбари), **Дмитрий Львович АРУСТАМОВ**га, **Галина Абрамовна БАРСКАЯ**га, **Николай Петрович ПАК**ка, **Рэм Викторович ПЕТРОВ**га, **Қосим Гандалифович ЎРАЗМЕТОВ**га, **Раҳим Мусаевич ҲАЙИТОВ**га, **Сайдулла Неъматуллаевич ҲИКМАТУЛЛАЕВ**га — сурункали буйрак етишмовчилигини даволаш янги методларини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

5. **Марат Коптлеуич НУРМУҲАМЕДОВ**га (иш раҳбари), **Султонмурот ОЛЛОЁРОВ**га, **Қирқбой БОЙНИЁЗОВ**га, **Саригул БАҲОДИРОВА**га, **Турдибой МАМБЕТНИЁЗОВ**га, **Абдрейм НАСРУЛЛАЕВ**га, **Соғинбой НИЯТУЛЛАЕВ**га, **Павел Сергеевич УЛЬЯШОВ**га — қорақалпоқ совет адабиёти тарихи учун.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ХОРАЗМ	0,26	103,40	0,19	56,92
ҚҚАССР	0,97	98,14	0,56	67,67
Тошкент	0,57	96,04	0,47	81,20
Бухоро	0,24	85,00	0,01	8,09
Қашқадарё	0,48	80,90	0,39	51,52
Навоий	0,25	79,83	0,08	26,87
Самарқанд	0,31	76,59	0,47	37,20
Фарғона	0,71	75,31	0,06	8,55
Андижон	0,70	74,11	0,29	21,88
Сирдарё	0,42	73,41	0,10	59,82
Сурхондарё	0,75	72,67*	0,32	38,92
Наманган	0,74	72,51	0,42	43,25
Жиззах	0,50	71,42	0,11	60,77
Республика бўйича	0,55	80,72	0,28	43,53
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	0,70	123,52	—	68,60
СУРХОНДАРЁ	1,17	104,55	0,73	69,57
ҚАШҚАДАРЁ	0,63	102,75	0,14	66,28
Бухоро	0,40	86,53	—	—
Наманган	1,08	62,24	—	—
Республика бўйича	0,94	103,26	0,46	63,94

*) Маълумот аниқланган.

● **Республикамизда шу кунгача тайёрланган пахта 4786466 тоннага етди. Шунинг 423378 тоннасини ингичка толали пахта ташкил қилади. Ўтган куни хирмонга 32500 тонна «оқ олтин» уюлди. Мавсум бошидан бери «зангори кема»лар бункеридан 1717378 тонна пахта бўшатилди. Бир кунда машиналарда 11028 тонна пахта териб олинди.**

● **КУЗ КУЗЛИГИНИ ҚИЛЯПТИ. ОБ-ҲАВО ИНЖИҚЛИКЛАРИГА МАҲОРАТНИ, ИРОДА ВА ҚАТЪИЯТНИ ҚАРШИ ҚЎЯЙЛИК. БАРЧА ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК.**

УЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ

● **ЛЕНИН ЙЎЛИ** районидаги **ОХУНБОБОЕВ** номли совхознинг илғор механизаторлари **Шайдулла ҲАЗРАТОВ, Парда АБДИМЎМИНОВ**лар ҳар куни 4—5 тоннадан пахта термоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 500 тоннадан зиёд пахта териб қўйди. Улар 600 тонналик довонни эгаллаш учун мусобақалашмоқдалар.

● Шу хўжаликдан Гулбаҳор **ДЎСТМУРОДОВА**, **Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозидан Насиба БЎТАЕВА ва Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозидан Гулсара ҲУРРАМОВА**лар ҳам социалистик мажбуриятни бажардилар. **Уларнинг ҳар бири қўлда 10 тоннадан аъло сифатли пахта теришга муваффақ бўлдилар.**

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети тола ишлаб чиқариш ва пахта ҳосилини сифатли қайта ишлаш юзасидан пахта заводлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил октябрь ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тола ишлаб чиқариш планини 139 процент бажарган, тола чиқишини планда белгиланганига қараганда 0,2 процент ошириб адо этган, 37 тонна пахтани иқтисод қилиб, ишлаб чиқариш чиқиндисини 0,2 процент камайтирган пахтанинг паст сортли толага ўтказилишига йўл қўймаган ва пландан ташқари 20 минг сўм фойда олган **Пахтакор пахта заводига** (1-ўрин) берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тола ишлаб чиқариш планини 102 процент бажарган, тола чиқишини планда белгиланганига қараганда 0,16 процент ошириб адо этган, 9 тонна пахтани иқтисод қилиб, ишлаб чиқариш чиқиндисини 0,34 процент камайтирган, пахтанинг паст навли толага ўтказилишига йўл қўймаган ва пландан ташқари 5 минг сўм фойда олган **Манғит пахта заводида** (2-ўрин) қолдирилди.

Чиноз, Учтепа, Пскент, Самарқанд, Жума, Денов, Шовот ва Урганч пахта заводлари коллективларининг яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги район республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Элликқалъа райони — район партия комитетининг секретари **О. Примов**, район ижроия комитетининг раиси **З. Хўжаниёзов**, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси **К. Нурумбетов**, райсельхозтехника бошқарувчиси **А. Йўлдошев**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Ю. Отажонов**, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси **Т. Примбетов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Оллабергенов**.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУХОРО, 5 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Бухоро область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс ривожлантиришга оид йўл-йўриқлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Ғиждувон ва Шофиркон район партия комитетларининг ҳисоботлари тингланди.

Пленум область партия конференциясини 10 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.



ЧЎЛҚУВАРЛАР РАПОРТИ

● **БЕКОБОД.** «Ленинград» совхози заршунослари дастлабки довондан ошдилар. Чўлқуварлар 1730 гектар майдондан 3860 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Хўжалигининг Маҳмуд Мустафоев бошчилик қилаётган 5-, Ҳазрат Илимов бошқараётган 2-бўлимларининг пахтакорлари бу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Облоқул Ҳашраев, Абдураҳмон Холов, Эргаш Тўқмирзаев сингари пахта миришкорлари етакчилигидаги бригадаларда ҳосилдорлик 35—36 центнерни ташкил этди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Сулаймонқул Имомов ўз агрегати бункеридан 200 тонна пахта тўкиб, механизаторлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилди. Унинг ҳамкасби Аҳадқул Андамовнинг хирмони 150 тоннадан ошди. Чўлқуварлар давлатга яна 340 тонна «оқ олтин» етказиб бериш ишқида меҳнат қилишяпти.

. . .

СУРЪАТ СУСАЙМАНДИ

● **БЕКОБОД.** «Далварзин» совхози азаматлари ҳам йиллик планни бажардилар. Давлатга 8070 тонна хом ашё етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектарига 31,4 центнерни ташкил этди. Хўжалигининг Иномжон Ортиқов, Абдумутал Ҳалилов ўртоқлар бошқараётган бўлимларининг пахтакорлари бу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Бобохон ота Отахонов, Мўйдин Ортиқов, Абдуҳамид Худойназаров сингари тажрибали пахтакорлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 40—45 центнердан ошиб кетди. Совхознинг 2570 гектар майдонни эгаллаган пахтазорларида йиғим-терим қизғин давом этяпти. Суръатни бир дам ҳам сусайтирмай меҳнат қилаётган миришкорлар умумий хирмонни 9 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

АСОСИЙ МАРРА ОЛДИНДА

● **ЎРТА ЧИРЧИҚ.** 716 гектар майдонда пахта етиштирган Терешкова номли колхоз деҳқонлари ҳам маррага етдилар. Давлатга 2170 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. Низом Аҳмедов, Зокир Юсупов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар барчага намуна кўрсатиб меҳнат қилиб, ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Хўжаликда ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун кураш қизғин давом этяпти.

. . .

УЛАР ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

● **БЎКА.** Ангрен медицина билим юртининг талабалари мавсум бошлангандан буён Бўка райони пахтакорларига йиғим-теримда яқиндан ёрдам беришяпти. 300 комсомол-ёшлардан тузилган бригадаларда ўзаро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Бунинг самараси қувончли бўляпти. Оловқалб ёшлар шу кунгача район далаларидан 817 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб бердилар. Суруккасига беш беш кунликдан буён район партия комитети, район ижроия комитети, район касаба союзлари Совети ва комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи билим юртида қолдирилди. Билим юртининг Б. Уккибоева, М. Умарова, Р. Сайдуллаева, Ф. Тошматова, Н. Қосимбоева, Т. Антипова сингари талабалари кунига 50—60 килограммдан пахта териб, барчага намуна бўлмоқдалар. Уларнинг шу кунгача терган пахталари 4—4,5 тоннадан ошиб кетди. Ҳашарчилар мавсумда 1100 тонна хирмон уйиш мажбуриятини олишган.

. . .

ҲАМ ХИЗМАТДА, ҲАМ ҲАШАРДА

● **ЯНГИЙЎЛ.** Район маиший хизмат комбинатининг ходимлари айни кунларда ҳам хизмат кўрсатиб, ҳам «оқ олтин» теримида яқиндан ёрдам беряптилар. 30 кишилик бригада Калинин номли колхоз далаларида заршунослар билан елкама-елка туриб пахта теряпти. Уларнинг хирмонлари 60 тоннага етди. Комбинатнинг Машкура Тожибоева ва Кимё Ниёзова сингари ходимлари бир неча марта шахсий мусобақада голиб чиқдилар.

. . .

УЧИНЧИ ДОВОН САРИ

● **ОҚҚЎРҒОН.** «Ленинизм» колхозининг моҳир пахтакори, район Советининг депутати Гулойим Тулепбекова етакчилик қилаётган бригадаси азаматлари яна бир довондан ошдилар. Зиммага олинган юксак социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Механизаторлар Тўрақул Қўзиқулов ва Нуржон Эрбоевлар ўз агрегатлари ёрдамида 85 процент пахтани териб беришди. Бригада азаматлари учинчи довон сари дадил боряптилар. Коллективнинг янги марраси — 60 центнер.

ЯЛПИ ҲОСИЛ 5 МИНГ ТОННАГА ЕТАДИ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ДАСТЛАБКИ МАРРАНИ ЭГАЛЛАДИЛАР

Об-ҳаво қийинчиликларини мардона енгган, дала ишларини юксак агротехника тадбирлари асосида олиб борган Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари дастлабки маррани эгалладилар. Улар Улуғ Октябрнинг 66 йиллик байрами арафасида зафар қучдилар. Эл хирмонига пландаги 4372 тонна ўрнига 4378 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу пахтанинг 89 процента юқори сортларга сотилди. Меҳнат ғалабасига барча бригадалар ва звенолар муносиб ҳисса қўшдилар.

Айниқса, П. Далабоев бошлиқ бригада аъзолари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар 230 гектар ердан 37 центнердан ҳосил олдилар. Раҳим Жалолов бошлиқ бригада аъзолари эса қабул пунктларига пландаги 870 тонна ўрнига 900 тонна дурдона етказиб бердилар.

Колхозда пландаги 1200 тонна ўрнига 1974 тонна сифатли уруғлик пахта тайёрланди. Бунинг 1806 тоннаси «С-48-80» навли юқори ҳосилли пахта уруғидир.

Илғор механизаторлар 80—120 тоннадан, қўшмингкилограммчи чеварлар 8 тоннадан «оқ олтин» териб бердилар.

Колхоз хирмонининг юксалишига Тошкент ва Янгийўл шаҳарларининг ишчи-хизматчилари, мактаб ўқувчилари, район ташкилотларининг коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Колхозда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам анча дуруст натижаларга эришилди.

Орденли колхоз пахтакорлари теримни давом эттирмоқдалар. Улар ялпи хирмон салмоғини 5 минг тоннага етказиш учун курашаётирлар.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,15	105,74	—	105,39
КОММУНИСТИК	0,30	105,67	—	110,19
Оққўрғон	0,81	99,08	1,07	99,84
Пискент	0,64	99,02	0,42	69,52
Бекобод	0,80	96,64	—	65,27
Ўрта Чирчиқ	0,52	96,30	0,14	83,40
Чиноз	0,76	90,36	0,92	65,15
Ғалаба	0,38	86,96	0,19	68,04
Янгийўл	1.00	79,40	1,51	50,91
Область бўйича:	0,57	96,04	0,47	81,20



СУРАТЛАРДА: Тошкент байрам либосида. В. Портнов фотолари.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

1983 йил, 3 ноябрь № 68 Тошкент шаҳри

ҚЎШИНЛАРНИНГ 1983 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ ПАРАДИ ТЎҒРИСИДА

§ 1

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги шарафига Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг парадини Тошкент шаҳрида В. И. Ленин номли майдонда 1983 йил 7 ноябрда соат 10.00 да ўтказиш белгиланди.

Парадни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Ю. П. МАКСИМОВ қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга буюрилган.

§ 2

Қисм командирлари тасдиқланган расчетга мувофиқ ва белгиланган вақтда линейнийларни юборсинлар ва қўшинларни парадга олиб чиқсинлар.

Кийим формаси — ёзлик, саф учун парадлик.

§ 3

Маҳаллий вақт билан соат 21.00 да менинг кўрсатмамга мувофиқ Тошкент шаҳрининг белгиланган пунктларида байрам салюти берилсин.

§ 4

В. И. Ленин номли майдонда тартиб сақлаш бўйича умумий раҳбарликни Тошкент гарнизони ҳарбий коменданти полковник Е. П. МОЦАКка юклайман.

Г. СТРЕЛЬЦОВ,
Тошкент гарнизонининг бошлиғи — округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал-майор.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1983 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 66 йиллиги байрами шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округ қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10.00 да бошланади.

Намойишда иштирок этадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, белгиланган маршрут бўйича район колонналари составида В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билетлари бўлганларни В. И. Ленин номли майдонга киритиш соат 9.45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускага эга бўлган машиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — А. Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчаларида, В. И. Ленин номли проспектда соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта бошланади.

Тошкент метрополитени 7 ноябрь куни эрталаб соат 6.00 дан тунги соат 2.00 гача ишлайди. Соат 8.00 дан 14.00 гача «Пахтакор» ва «Октябрь революцияси» станцияларининг фақат «чиқиш» қисми ишлайди. Бу вақтда «В. И. Ленин номли майдон» станцияси ёпиқ бўлади.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

БОЛГАРИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

СОФИЯ. БКПнинг партия нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов нутқлари ва мақолалари тўпламини болгар тилида чиқарди. Китобга совет раҳбарининг 1942 йилдан 1983 йил сентябригача ўтган даврдаги асарлари киритилди.

Тўпламга киритилган асарлар, деб ёзади БКП Марказий Комитетининг органи «Работническо дело» газетаси, КПСС билан Совет давлатининг советлар мамлакати сиёсий, иқтисодий ва социал тараққиётини кучайтириш соҳасидаги фаолияти тўла ва равшан манзарасини тасвирлайди.

(ТАСС).

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ПРАГА

Моравич химия заводларининг ишчилари Совет Иттифоқига юбориладиган маҳсулотларни 7 ноябргача юбориб бўлади. Шу давлат корхонасининг коллективи Совет Иттифоқига аталган маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун зиммасига социалистик мажбурият олди.

НЬЮ-ЙОРК

Ғарб матбуотининг энг катта бойларидан бири Руперт Мэрдок «Чикаго сан-таймс» газетаси учун 90 миллион доллар тўлади.

Бу газета австралиялик шу бой ўз қўлига киритган АҚШдаги оммавий информация воситалари узун рўйхатига тиркалади. Бу рўйхатда «Нью-Йорк пост» ва «Киллиж войс» газеталари, «Нью-Йорк» ва «Нью-Уэст» журналлари, шунингдек бир неча телестанция бор. Бундан ташқари Англия ва Австралиядаги бир неча нашрлар ҳам Мердокникидир.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, Мэрдок сотиб олган янги газетанинг қисмати ҳам у сотиб олган бошқа кўпчилик нашрларники сингари бўлади. Энди газетада турли хил можаролар, секс, жиноятлар тўғрисида шов-шув кўтариб ёзишга асосий эътибор берилади. Редакцион мақолаларнинг йўналиши ҳам ўзгаради. Бу мақолалар янги газета эгасининг ашаддий консерватив сиёсий қарашларига мувофиқлаштирилади.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ГАВАНА.** Куба пойтахтида «КПСС — Ленин партияси» деган виставка очилди. Виставка Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги ва РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишланган. Виставкани В. И. Ленин Марказий музейи билан Куба революция музейи ташкил этди. Экспозиция совет коммунистлари босиб ўтган қаҳрамонона йўл тўғрисида ҳикоя қилади, советлар ҳокимияти йиллари КПСС раҳбарлигида СССРда амалга оширилган асосий сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартишларни акс эттиради.

● **МЕХИКО.** Мексика президенти Мигель Де Ла Мадрид «Мехико шаҳри ва мамлакат марказий штатларини ривожлантириш программаси» амалга оширилажагини эълон қилди.

Мексика пойтахти ва атрофининг аҳолиси тез кўпаяётганлигини назарда тутиб (ҳозироқ 17 миллион кишига етган) программа шаҳар инфраструктураси бошқатдан ташкил этилишини, жумладан коммунал хизмат такомиллаштирилишини, ишчи кварталларида водопровод ва канализация системалари ўтказилишини, шаҳар транспортининг иши яхшиланишини, атроф муҳитнинг булғанишига қарши кураш олиб боришни кўзда тутади.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИЛДИ


БРЮССЕЛЬ. Халқаро демократ юристлар уюшмаси баёнот бериб, Америка империализмининг жинояти — суверен Гренадага қарши қуролли агрессиясини зўр куч билан фош қилиб ташлади.

АҚШ қўшинларининг Гренадага қуролли бостириб кириши бутун дунёда, шу жумладан Вашингтоннинг ғарбий европалик иттифоқчилари томонидан якдиллик билан қораланди, деб уқтиради уюшма.

«Халқаро демократ юристлар уюшмаси шуни маълум қиладики,— дейилади сўнгра ҳужжатда,— БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлмиш АҚШнинг БМТ аъзоси — суверен Гренадага қарши агрессияси, юридик жиҳатдан олганда, халқаро ҳуқуқнинг энг оддий принципларини бузишдан иборат бўлиб, БМТ Уставининг ҳар томонлама мустаҳкамлашни тавсия этаётган ҳуқуқнинг обрўйига суиқасд қилишдир». Бу қуролли бостириб кириш, деб таъкидлади уюшма, «БМТга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий нормаларни, суверенитет, мустақиллик, территориал бутунлик, ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқини, шунингдек ички ишларга аралашмаслик ва халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик принципларини поймол қилишдир».

АҚШ қилган бандитлик ҳаракати «барча давлатларнинг режимини, сиёсий, иқтисодий ва социал системани бемалол танлаб олиш тўғрисида бутун дунёда эътироф қилинган ҳуқуқини шубҳа остига қўядиган хатарли ҳаракатдир», деб уқтиради халқаро демократ юристлар уюшмаси.

(ТАСС).



ГДР. Бундан бир неча йил муқаддам Котбус округида Еншвальд деган жой борлигини кўпчилик билмас эди. Геологлар бу ерда катта кўмир запаси борлигини аниқлашди. Кўп ўтмай қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Унинг довруғи мамлакат ташқарисига ҳам чиқди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ГДРдаги энг йирик ҳисобланган бу энергетика қурилишига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Суратда: кон устини очиш конструкцияларини монтаж қилиш пайти.

АДН—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 10.00 — «Биргаликда аҳил оиламиз». 10.25 — «Будильник». 10.55 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 — «Тонгги почта». 12.25 — Мультфильмлар. 13.05—«Дунё воқеалари». 13.20 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.20 — Музикали киоск». 14.50 — «Тонг саҳарда». Бадиий фильм. 2-серия. 16.00 — «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Телефильм. 17.00 — «Халқаро панорама». 17.45 — Концерт. 18.15 — Футбол. «Днепр» — «Спартак». 20.00 — Днепрдаги жанглрнинг 40 йиллигига. «Ёриб ўтиш». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Давранг кенг олинг». 23.40— Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.20 — Мультфильм. 9.30 — «Ҳайвонот оламида». 10.30 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.00 — Концерт. 11.25 — Совет рассомлари асарлари асосида композиция. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — «Тиним билмас қалблар». 12.45 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 13.15 — «Томошабин ҳамроҳи». 14.00 — Халқ куйлари. 14.15 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 15.00 — «Театр афишаси олдида». 16.00 — Хоккей «Спартак» — «Торпедо» (Горький шаҳри). 18.15 — «Катта симфоник оркестр билан бир соат». 19.05 — БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 20.30 — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 — «Стадион ҳамма учун». 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ксения Фёдорнинг севимли хотини». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Кинопублицист экрани». 10.55 — «Юлка». Бадиий фильм. 12.10 — «Кузнок стартлар». 13.20 — Реклама. 17.40 — «Мўъжизалар оламига саёҳат». 18.30 — «Пахтазорда учрашамиз». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ватанимни шарафлайман». Музикали-адабий композиция. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Цирк! Цирк!». 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — Фильм-концерт.

КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ 15.00 да

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Олмахон ҲАЙИТОВА,
Отамурод БЕКЖОНОВ
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Олимжон ОРИФЖОНОВ
Солистлар: Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Муножот ЮЛЧИЕВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дono ШОРАҲМЕДОВА, Комилжон ИСКАНДАРОВ, Жамила ЮЛДОШЕВА, Эгамберди ЁҚУБОВ, Робия ОЛИМЖОНОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.
«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Олмахон ҲАЙИТОВА.
Музика раҳбари — Шавкат МУҲАМЕДОВ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ»

«СУВ ЖОЗИБАСИ АТТРАКЦИОНИ»

(икки бўлимда)

Раҳбар: РСФСР халқ артисти, халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслари лауреати, Европа ва халқаро «иллюзиончилар лигаси»нинг юксак мукофоти «Сеҳрли тилла таёқча» совриндори Илья СИМВОЛОҚОВ

Москва цирки масхарабозлари Зиновий МАЛКОВ ва Александр ТРЯПИЦИН донмо хизматда.

РСФСР халқ артисти Владимир ДОВЕЙКО раҳбарлигидаги

«РОМАНТИКА» АКРОБАТИК АНСАМБЛИ.

Томошалар 6, 7/XI да 12, 16, 19.30 да, 8/XI да 10, 13, 16.00 да, 9/XI да 12, 15.00 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаларн ишламоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Ғўзал Василиса** (12.00), **Этик кийган мушук** (19.30), 7/XI да **Байрам концерти**, 8/XI да **Байрам концерти** 9/XI да **Этик кийган мушук** (12.00), **Севги ҳақида афсона** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Рўё** (12.00), **Парвона** (19.30).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02272. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1709. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12